

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАМИЗДАГИ ТАРИХИЙ ТИМСОЛЛАР

Алманов Қ., ГулДУ талабаси

Ҳар бир суверен давлатнинг ўз тимсол ва рамзлари мавжуд бўлади. Бу тимсол ва рамзлар қайсидир маънода ўша давлат мустақиллигининг белгилари саналади. Миллий валютамиз - ўзбек сўми мустақилликнинг рамзи ҳисобланса, уларда тасвирланган тимсоллар эса мустақилликнинг тарихий ва замонавий белгиларининг ифодасидир.

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, жамиятнинг барча соҳаларида бўлгани каби иқтисодий-молиявий соҳада ҳам ислохотлар ўтказилди. Юртбошимизнинг 1994 йил 16 июнь кундаги Фармони билан миллий валюта муомалага киритилди. Ушбу пул бирлиги Ўзбекистон сўми деб номланиб, халқаро молиявий муомалаларда UZS.C деб ифодаланадиган бўлди. Дастлаб, муомалага **1, 3, 5, 10, 25, 50, 100** сўмлик қийматларда пуллар киритилган бўлса, кейинчалик 1997 йил 1 мартдан **200** сўмлик, 1999 йил 1 июлдан **500** сўмлик, 2001 йил 1 сентябрдан **1000** сўмлик пул бирликлари (10 турдаги купюралар) муомалага киритилди.

Миллий валютамизнинг **1** сўмлик пул бирлигининг аверс (олд) қисмида Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театри биноси тасвирланган. Унинг ташкил топиши Муҳиддин Қори Ёқубовнинг Ўзбек Давлат Концерт этнографик ансамбли билан боғлиқ. Мазкур ансамбл 1929 йилда ташкил топган. 1948 йил Тошкент рус опера театри билан бирлашиб Алишер Навоий номини олди. Унга 1959 йил «Академик», 1966 йилларда катта театр унвони берилди. Театр биноси 1947 йилда меъмор А. Шчуев лойиҳаси асосида қуриб битказилган. Бинони безашда эса уста Т.Арслонқулов, А.Болтаев, Уста Ширин Муродов, Жалил ва Болта Жўраевлар қатнашган. Деворларига эса Ч.Аҳмаров томонидан ишланган Навоий асарларига минатюралар билан сайқал берилган.

Миллий валютамизнинг **3** сўмлик пул бирлигининг риверс (орқа) қисмида ифодаланган меъморий обида Чашмаи Аюб номи билан тарихда маълум. Бу ёдгорлик Бухоро яқинида жойлашган. У XIII асрнинг 80-йилларида қурилган. Чашмаи Аюб зиёратхона биноси тўғри тўртбурчак тархли, майдони 19х26 бўлиб, ғарбдан шарққа томон чўзилган 4 хонадан иборат. Арслонхон даврида Минораи Калон ва Намозгоҳ масжиди билан бир вақтда қурилган, деган маълумотлар берилган. Бошқа тарихий манбаларда эса зиёратхонанинг деворларига Амир Темур фармойишига биноан 1379 йилда унга тақаб, бурчакларида миноралари бўлган Кулоҳий гумбазли каттахона дахлизи қурилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Бу макон Аюб пайғамбар қадамжоси номи билан тарихда машҳур.

Миллий валютамизнинг **5** сўмлик пул бирлигининг риверс қисмида ифодаланган ёдгорлик Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳисобланади. Бу боғ Юртбошимиз ташаббуси билан қурилган. Ушбу боғнинг марказий майдонида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг маҳобатли ҳайкали қад кўтариб турибди.

Президентимиз И.А.Каримов ҳазрат Навоийга баҳо бера туриб: «Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, у мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир», деган эдилар.

Миллий валютамизнинг **5** сўмлик пул бирлигининг аверс қисмида эса Бухорода жойлашган Минораи Калон ва Ҳумо қуш тасвирланган. Бухорода жойлашган Минораи Калон 1127 йилда Арслонхон томонидан бунёд этилган. Унинг баландлиги 50 метрни ташкил қилади. Минора устида парвоз қилаётган Ҳумо қуши эса зардуштийлик дини таълимоти бўйича омад ва бахт қуши ҳисобланади.

Миллий валютамизнинг **10** сўмлик пул бирлигининг риверс қисмида ифодаланган меъморий ёдгорлик Гўри Амир мақбарасидир. Бу мақбара Самарқандда (XIV аср охири - 1405 йил) жойлашган. Темурийлар сулоласига мансуб кишилар: Амир Темур, ўғиллари Умаршайх, Мироншоҳ ва Шоҳруҳ, набиралари Муҳаммад Султон, Мирзо Улуғбек дафн этилган. Эшикларида қўш заминли ўймакор безаклар бўлган. Мақбарага 1424 йилда, Мирзо Улуғбек даврида қурдирилган жануб томондаги далон орқали кирилади.

Миллий валютамининг **25** сўмлик пул бирлигининг риверс қисмида Самарқандда жойлашган (XI-XIX асрлар) Шоҳизинда меъморий ёдгорлиги акс эттирилган. Мажмуа Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган қабристондаги мақбаралар, масжид, минора ва мадрасалардан иборат. Уларнинг энг қадимгиси Қусам ибн Аббос мақбараси (XII – XV асрлар) ҳисобланади. Мақбаранинг баландлиги 12 метр бўлган (XII аср). Ҳалқ орасида эса Шоҳи Зинда (Тирикшоҳ) номи билан машҳур бўлган. Иморатлар бир-бири билан йўлак орқали боғланган уч гуруҳ бинодан иборат. Қуйи гуруҳдаги иншоотлар сирасига Мирзо Улуғбек ўғли номидан қурдирган Абдулазиз чортоғи (1434-1435 йй.), унга шимолдан Давлат Қушбеги мадрасаси (1812-1813йиллар), ўрта гуруҳдаги бинолар Амирзода, Туғлуктекин, Ширинбека Оға мақбаралари киради. Унинг қаршисида эса Амир Темурнинг синглисига атаб 8 қиррали Туркан Оға мақбараси қурилган. Юқори гуруҳдаги бинолар 3 қисмдан иборат. Булар Хожа Аҳмад мақбараси 1360-1361 йиллар қурилган, Туман Оға мажмуаси 1405 –1406 йилларда қурилган шунингдек, Тамғач Буғроҳон мадрасаси XI асрда қурилган.

Амир Бурундук мақбарасининг (XIV аср охири) 20 дан ортиқ иншоотлари давлат муҳофазасига олинган. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июлдаги Қарорига асосан Шоҳизинда ёдгорлик мажмуасида таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Миллий валютамининг **50** сўмлик пул бирлигида Самарқанднинг марказий майдонида жойлашган Регистон меъморий ансамбли тасвирланган. Бу ансамбл ўз ичига учта: Улуғбек, Тиллақори, Шердор мадрасаларини олади. Регистон форсча «қумлоқ жой», «тошлоқ жой» деган маъноларни билдиради. Буларнинг ичида Улуғбек мадрасаси 1417 – 1420 йилларда қуриб битирилган. XV асрнинг 20–40 йилларида эса Регистон ҳашаматли меъморий ансамблга айланган. Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир вайрона ҳолатдаги Улуғбек Хонақоҳи ўрнида 1619, 1635–1636 йилларда Шердор мадрасасини тиклади. Мирзои Карвонсаройи ўрнига эса Тиллақори мадраса масжидини 1646 – 1659 йилларда қурдирди.

Миллий валютамининг **100** сўмлик пул бирлигининг аверс қисмида Амударё ҳазинасидан топилган билакузук тасвири жойлаштирилган. Бу ҳазина эрамиздан олдинги IV–II асрларга оид заргарлик буюмлари мажмуасига киради. Мазкур топилма 1877 йил Амударёга қуйиладиган Тахти Кубод кечуви яқинида топилган. Ҳозирда ушбу буюмлар Лондондаги Британия Миллий музейида 1897 йилдан буён сақланиб келинмоқда.

Орқа қисмида Истиклол саройи (собик Ҳалқлар Дўстлиги саройи) тасвирланган бўлиб, бу сарой 1981 йилда ишга туширилган. Бино Э.Букина, С.Одилов, Э.Розано, Э.Суханова, Ф.Турсуновлар меъморчилиги асосида бунёд этилган. Бинони безашда ишлатилган мрамор тошлари Нурота ва Ғозғон конларидан келтирилган. Бино тархи тўрт бурчак шаклда бўлиб, марказида балконли амфитеатр шаклда тўрт минг ўриндикка эга бўлган зал жойлашган.

Валютамининг **200** сўмлик пул бирлигида ифодаланган меъморий ёдгорлик Самарқандда жойлашган 1619 – 1636 йилларда қурилган Шердор мадрасаси пештоқидаги шер ва оҳу тасвиридир. Мадраса икки қаватдан иборат. (меъмори Абдужаббор). Қаносларидаги тасвирланган қизғиш зарҳал тусли шер оқ оҳуни овлаётганлигини англатади. Шунингдек, ундаги куёш сурати бодомқовоқ, қийиқ кўзли қилиб тасвирланиб, юзи зарҳал тусли ёғду билан хошияланган. Мадрасанинг номи ҳам шу тасвирдан келиб чиққан.

Миллий валютамининг **500** сўмлик пул бирлигида эса Амир Темурнинг эгардаги от устида тасвирланган ҳайкали ифодаланган. Бу ҳайкал Юртбошимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг марказида барпо этилиб, 1993 йил 31 август куни очилган.

Миллий валютамининг **1000** сўмлик пул бирлигининг риверс қисмида Тошкент шаҳридаги Темурийлар тарихи давлат музейи тасвири ифодаланган. Ушбу бино 1996 йил қуриб битказилган. Музей биноси ўрта аср меъморчилиги анъаналарига монанд айлана тархли, томи гумбазли шаклда қурилган. Бино 3 қаватдан иборат бўлиб, баландлиги 31

метрни, ташқи томонининг диаметри 70 метрни, ички томонининг диаметри 50 метрни ташкил қилади. Дастлаб музейда 700 та экспонат бўлган бўлса, ҳозирда 4000 дан ортиқ.

Хулоса қилиб айтганда, миллий валютаимиз - ўзбек сўмининг қардлаш, ундаги тасвир ва тимсолларни ўрганиш, билиш ҳар бир эркин Ўзбекистон фуқаросининг ватанимиз тарихига бўлган қизиқишини ва ватанпарварлик туйғусини оширишга хизмат қилади.